2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 17-oktabr, payshanba | № 42 (9310) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЗЧИЛ ЎСИШ, ЗАМОН БИЛАН ИЛДАМЛАШ ЙЎЛИДАН БОРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 октябрь куни Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрига ташриф буюрди.

Бу шаҳарнинг асоси ва драйвери – Олмалиқ кон-металлургия комбинати. Иқтисодиёт, иш ўринлари, уй-жойлар, маданият ва таълим масканлари ушбу мажмуа негизида шаклланган.

Бугун изчил ўсиш, замон билан илдамлаш керак. Давлатимиз раҳбари ҳар бир соҳани илмга асосланиб ривожлантириш талабини қўяди.



Олмаликда ҳам кадрлар тайёрлаш шу йўсинда йўлга қўйилган. Хусусан, шаҳарда Тошкент давлат техника университетининг ҳамда Москва пўлат ва қотишмалар институтининг филиаллари очилган. Яқинда буларга қўшимча Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Муҳандислик мактаби ташкил этилди.

Президент аввало мазкур мактаб фаолияти билан танишди.

Бу ерда Германия тажрибаси асосида йилига 480 нафар муҳандис тайёрланади ҳамда минг нафар ходимнинг малакаси оширилади. Дарс жараёнлари йўналиш ва мавзулардан келиб чиқиб, хорижлик профессор-ўқитувчилар иштирокида олиб борилади.

Ўқув дастури Германиянинг Фрайберг кончилик академияси, “GP Günter Papenburg AG” ва “Aurubis AG” компанияларининг илғор таълим методологиялари асосида ишлаб чиқилган. Мактаб шунга мувофиқ, механика, металлургия, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, фойдали қазилмаларни бойитиш, энергетика йўналишлари бўйича замонавий ўқув-амалиёт ускуналари билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари мазкур хоналарда бўлиб, иш ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

– Замон ўзгараяпти, ҳар бир соҳага инновациялар кириб келаяпти. Шунга муносиб малакали кадр бўлиш учун доим ўз устингизда ишлашингиз керак. Комбинат тақдири – рақамлаштиришда. Ҳар бир бўлимни, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичини рақамлаштириш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикаси қурилмоқда. Келгусида унда ишлайдиган мутахассислар ҳозирдан тайёрланмоқда.

Қисқа вақтда бу ерда 100 дан ортиқ ёшлар ўқиб, тармоқ корхоналарига ишга жойлашган.

Президентимиз мактабнинг самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ўқувлар мунтазам ташкил этилиши, энг муҳими, амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Шу йил 20 июнь куни муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда биринчи босқичда 10 та олий муҳандислик мактаби ташкил этилиши белгиланганди. Бугунги кунда шундай мактаблар ташкил этилмоқда. “Тармоқ – корхона – олийгоҳ” занжирини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бирининг саноат ҳамкори белгиланади.

Муҳандислик мактаблари олий таълим муассасалари таркибида етакчи йўналишлар бўйича ташкил этилади. Уларда математика, физика, кимё, муҳандислик графикаси, информатика ва хорижий тиллар бўйича чуқур билим берилади. Бакалавриат ва магистратура 4+1 шаклида йўлга қўйилади. Талабалар иккинчи курсдан ихтисосликлар бўйича саралаб олиниб, саноат ҳамкорлари учун мақсадли кадрлар тайёрланади.

Мазкур мактабларнинг профессор-ўқитувчилари “Эл-юрт умиди” жамғармаси, тегишли ҳамкор ва университет маблағлари ҳисобидан етакчи хорижий муассасаларга малака оширишга юборилади. Саноат ҳамкорлари соҳа тараққиётидан келиб чиқиб, замонавий лабораториялар ташкил этади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Олмалиқдаги “Ёшлик-1” кони ҳамда унинг негизида қурилаётган 3-мис бойитиш фабрикасини кўздан кечирди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ



Бахмал туманидаги Қутлуғобод маҳалласида 1170 та хонадон бўлиб, аҳолиси асосан боғдорчиликдан даромад топади. Жумладан, Файзулло Маматов оиласи ҳам томорқасига эккан 120 туп олмазоридан ҳар йили мўл ҳосил олади. Айни пишиқчилик мавсумида ҳосилни териб, 6 тонна олма хирмонини жамғаришни мўлжаллашган.

Суратда: Боғбон Файзулло Маматов томорқасидаги олма ҳосилини кўздан кечирмоқда.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

16 октябрдан бошлаб сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш бошланди.

Маълумки, қонунчилигимизга кўра, сайлов куни



ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар муддатидан олдин овоз бериши мумкин. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланиб, уч кун қолганида тугалланади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини кўрсатган ҳолда ариза билан тегишли участка сайлов комиссиясига мурожаат қилади.

Муддатидан олдин овоз бериш кунлари сайлов участкаларида овоз бериш вақти иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар, дам олиш кунлари эса соат 11:00 дан 17:00 га қадар давом этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш ушбу сайлов участкалари жойлашган давлатдаги маҳаллий вақт билан соат 9:00 дан 18:00 га қадар амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, муддатидан олдин овоз бериш 2024 йил 23 октябрь куни якунланади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
ЎзА мухбири.

СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқаришмиллий лойиҳаси. 3-босқич” лойиҳаси билан ҳамкорликда 15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Х.Қувондиқов сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқаришдаги улушини ошириш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратиб бериш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

(Давоми 3-саҳифада)

“ARDA KHIVA” – ХИВА ПОРТ ШАҲАР

Урганч шаҳридан Хивага қараб йўлга чиқсангиз, музей шаҳарга тўрт, беш километр қолмасдан йўлнинг ўнг томонида гўзал бир шаҳарча қад ростлаётганига кўзингиз тушади.

Бу ҳам қадимий ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрининг ўзгинаси, фақат фарқи унинг замонавийлигида. Шаҳарчанинг номи “Arda Khiva”. Бу нима дегани? Бу ном хаёлингизни бирдан узоқ-узоқларга олиб кетади. “Arda Khiva” бу порт шаҳар Хива дегани. Нега энди порт шаҳар, қани унда бу ерда денгиз ёки дарё, қани унда кемалар? Шу каби саволлар дарров хаёлингизга келиши табиий.

(Давоми 3-саҳифада)

Дастур ва ижро

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИККА

Бу борадаги Тошкент вилояти тажрибаси республика бўйича оммалаштирилади

Бундан бир муддат аввал Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида шундай ёзганди: “Биз кам даромадли, эҳтиёжманд оилаларни фаровон, бекам турмуш даражасига олиб чиқишга камарбастамиз.

Бугун Президентимиз биз, ҳокимларга, энг биринчи навбатда, шу йўналишда туну кун ишлашни устувор вазифа қилиб белгилаб берганлар. Шу маънода мен бош,Тошкент вилоятидаги барча раҳбарлар ўзига бириктирилган камбағал оилаларга кириб бормоқдамиз. Улар билан бирга яшаб, самимий суҳбатлашиб, ҳаёти изига тушиб кетиши учун аниқ амалий ёрдам кўрсатмоқдамиз. Уйма уй юриб, қилинаётган мулоқотларда кўтарилаётган масалаларни ўша жойда туриб, кунлик таҳлил қилиб борамиз, биргаликда ечим излаймиз. Олдинда ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Биз жонажон халқимизнинг бой, бадавлат, фаровон ҳаёт кечириши учун биргаликда курашамиз, уларга ёрдам берамиз”. Куни кеча эса “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида ўтган қисқа даврда вилоятда масъуллар томонидан амалга оширилган кенг кўламли ишлар чуқур таҳлил қилинди. Келгуси режалар белгилаб олинди. Унда ҳар бир раҳбар камбағал оила билан индивидуал шуғулланиши, улар барқарор даромадга киргунча фаол равишда иш олиб бориши шартлиги қатъий таъкидланди. Видеоселектор йиғилишида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллоёров камбағал оилалар рейестрини шакллантириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳолати, орзу умидларидан келиб чиққан ҳолда истиқболдаги режаларини тузиш, махсус электрон платформа орқали бу



тажрибани қайд этиб бориш лозимлигини таъкидлади. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги мутахассислари платформани қандай тўлдириш, камбағал оилалар рейестрини адолатли, ҳаққоний юритиш бўйича иш олиб бориш тартибини видеоселекторда иштирок этган “Маҳалла еттилиги”га батафсил тушунтириб беришди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ҳозирги кунда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 5-мис бойитиш фабрикаси ҳам лойиҳалаштирилмоқда

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЗЧИЛ ЎСИШ, ЗАМОН БИЛАН ИЛДАМЛАШ ЙЎЛИДАН БОРАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Олмалиқ кон-металлургия комбинати рангли, нодир ва қимматбаҳо металлар қазиб чиқаришда етакчи. Мамлакатимиз ялпи саноат маҳсулотининг 5 фоизи, саноат маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Комбинат тизимида 35 мингга яқин киши ишлайди.

Ўтган йили 148 минг тонна мис, 17 тоннадан зиёд олтин, 162 тонна кумуш ишлаб чиқарилган. 1 миллиард 100 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 662 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Кейинги йилларда геологик қидирувлар ва инвестициялар миқдори ошгани натижасида ишлаб чиқаришнинг янги имкониятлари топилмоқда. Шулардан бири – "Ёшлик-1" кони. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ истиқболли инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Кон ҳудуди 11 минг гектар. Захираси ҳам салмоқли – йилига 65 миллион тонна маъдан. Бу конда олтин, мис, кумуш, молибден, селен каби 13 турдаги қимматли ва нодир металлар бор.

Давлатимиз раҳбари мазкур конда бўлиб, қазиш ишларини кўздан кечирди, мутахассислар билан мулоқот қилди.

"Ёшлик-1" кони маъданларидан юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 3-мис бойитиш фабрикаси барпо этилмоқда. Унинг қурилишига 2021 йил 29 июлда тамал тоши қўйилган эди.

Бу йирик лойиҳанинг қиймати 4,6 миллиард доллар бўлиб, конни қазиш, фабрика ва унинг инфратузилмасини қуришни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда 200 миллион куб метр кон юзаси очилган, 41 километр темир йўл ётқизилган, 650 мегаваттли подстанция қўйилган. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа Европа давлатларидан ускуналар келтирилган. Фабрика ва бошқа инфратузилмалар қурилиши жадал кетмоқда.

Президентимиз бу ердаги улкан бунёдкорлик ишлари билан атрофлича танишди. Бўлажак заводнинг иқтисодий самарадорлиги, унда қўлланиладиган илғор технологиялар, иш жараёнидаги қулайликлар ҳақида ахборот берилди.

Мазкур фабрика биринчи босқичда йилига 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Бу орқали йиллига 917 минг тонна мис ва 2,5 минг тонна молибден концентратлари ишлаб чиқарилади. 5 минг 600 кишининг бандлиги таъминланади.

Бу йирик лойиҳа турдош саноат тармоқларининг ривожланишига ҳам туртки берди. Масалан, фабрика қурилишига металл конструкциялар етказиб бериш учун 6 та завод ишга туширилди. Муҳандислик, дастурий таъминот ва касб-ҳунар таълими янги даражага чиқмоқда. Янги турар жойлар ва хизматларга талаб пайдо бўлмоқда.

Фабрикада логистика жараёни ҳам қулайлаштирилади. Унинг барча корпуслари орасида конвейерлар бўлади. Бу юк ортиш ва ташишни бартараф этиб, харажатларни қисқартиради.

Иккинчи босқичда қувват 160 миллион тоннага етади ёки бугунги кўрсаткичдан 3 баробарга кўпаяди. Ушбу икки босқич амалга оширилиши натижасида корхона 2028 йилга бориб йилига 400 минг тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шу тариқа Олмалиқ комбинати тоғ-кон металлургияси соҳасида дунёдаги энг йирик саноат мажмуаларидан бирига айланади.

Халқаро баҳолаш мезонларига кўра, Олмалиқда миснинг ялпи захираси 45 миллион тоннани, олтин захираси эса 5 минг тоннадан зиёдни ташкил этиши аниқланган. Бу дунё миқёсида ҳам энг йирик ва ноёб кўрсаткичлардир.

Яна бир муҳим томони, бугун дунёда "яшил иқтисодиёт", электр техникаси, электромобиллар саноати жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида 2030 йилга бориб мис маҳсулотларига бўлган эҳтиёж 40 фоизга ортиши кутилмоқда.

Яъни, Олмалиқ комбинати маҳсулотларига талаб узоқ йиллар давомида халқаро даражада бўлади. Келгусида комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 3 мартадан зиёд кўпайиб, унинг қиймати қарийб 8 миллиард долларга етади. 11 мингта янги, юқори технологик иш ўринлари яратилади.



Давлатимиз раҳбари "Enter Steel" механика таъмирлаш корхонаси устахоналарида ҳам бўлиб, янги ускуналар ва иш жараёни билан танишди.

Бугун 350 киши меҳнат қилаётган бу корхона томонидан енгил ва оғир саноат, хусусан, тоғ-кон, газ-кимё йўналишидаги ишлаб чиқариш объектларига асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Ишлаб чиқарилаётган балка, устун, эстакада, электр токи узатиш таянчлари, сув миноралари, ёритиш устунлари, GSM антенна мачталари каби металл-конструкция маҳсулотлари, юқори босимга чидамли резервуарлар, бурғилаш ускуналари, электр қутиларга талаб юқори.

Бу ерга Хитой, Италия, Германия каби давлатлардан энг замонавий ускуналар келтирилгани маҳсулотлар сифати ва иш унумдорлиги юқори бўлишига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мазкур корхона 3-мис бойитиш фабрикаси учун ҳам зарур бўлган ускуналарга эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда.

Давлатимиз раҳбари заводдаги ишлаб чиқариш жараёни ва тайёрланаётган маҳсулотларни кўздан кечирди. Ишчи-ходимлар билан мулоқот қилди. Саноат ривожланаётган ҳудудларда бу каби лойиҳаларни рағбатлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Сўнг Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилояти ривожининг ҳозирги ҳолати ва келгуси вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудуддаги иқтисодий-ижтимоий натижаларни атрофлича таҳлил қилиб, қўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Сўнгги етти йилда Тошкент вилоятида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Ҳудуд иқтисодиёти 1,5 баробарга ўсиб, ўтган йили 119 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратилди, тадбиркорлар 16 мингтага кўпайиб, 170 минг доимий иш ўрни очилди. 6 миллиард долларлик 826 та янги саноат корхонаси ишга тушди, 5 миллиард долларлик экспорт бўлди. Буларнинг натижасида ўтган тўрт йилда 70 минг, бу йилнинг ўзида 19 минг оила камбағалликдан чиқарилди.

Тошкент вилояти туман ва шаҳарлар сони бўйича республикада биринчи ўринда туради. Ҳудуддаги давлат идораларида салкам 10 минг ходим ишлайди. 1 минг 25 та маҳаллада 6 минг 123 нафар "маҳалла еттилиги" бор. Бу ички имкониятларни ишга солиб, шаҳару қишлоқларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун етарли куч экани таъкидланди.

Шундай манзилли ўрганишлар натижасида қўшимча 13 миллиард доллар инвестиция, 500 минг иш ўрни, бюджетга 3,5 триллион сўм тушум қилиш имкониятлари аниқланган. Бу имкониятларни натижага айлантириш учун 22 та туман-шаҳарнинг ҳар бири бўйича ҳукуматнинг алоҳида қарорлари чиқиши айтилди.

Вилоятда тадбиркорлик қилишга иштиёқ кундан-кун ошаяпти. Пойтахтдаги корхоналар ҳам инфратузилма яқинлиги, ер, мулк солиғи, ишчи кучи арзонлиги учун Тошкент вилоятидан жой қидираяпти. Шу боис Тошкент, Қибрай, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ туманлари, Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарлари пойтахт туманлари билан ҳамоҳанг ривожланиши кераклиги таъкидланди.

Масалан, Тошкент туманида 97 гектарда индустриал технопарк ташкил қилинади. Унда тадбиркорлар ва банклар иштирокида 350 миллион долларлик юқори қўшилган қийматли лойиҳалар жойлаштирилади. Шунингдек, туманда кўп қаватли уйлар, янги санаторийлар, спорт ва кўнгилочар масканлар қуриш имконияти бор.

Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари, Пискент ва Оҳангарон туманларининг вилоят саноатидаги улуши 50 фоизни ташкил қилади. Улар ёнма-ён жойлашган бўлиб, хомашё захирасига жуда бой. Шу боис бу шаҳар ва туманларда ишлаб чиқаришни кооперация ва кластер асосида ташкил этиш учун мутлақо янги тизим – "саноат учбурчаги" дастури амалга оширилиши айтилди.

Ушбу ҳудудда 1 минг 100 та корхона ишлаяпти. Янги лойиҳалар ҳисобига 2-3 йилда улар 1,5 мингга етади. Бу кооперация натижасида транспорт харажати ҳам, таннархи ҳам камаяди.

Масалан, Олмалиқ комбинати йилига 9 триллион сўмлик маҳсулот харид қилаяпти. Бу – атрофда жойлашган 5 та шаҳар ва туман учун катта имконият экани кўрсатиб ўтилди.

Умуман, йил якунигача хорижий инвестициялар ҳажмини 2 миллиард долларга ва экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш, 661 та лойиҳани якунлаб, 30 минг янги иш ўрни яратиш мумкинлиги қайд этилди.

Машинасозлик соҳасидаги талабни тўлиқ таҳлил қилиб, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ҳамда йирик корхоналар билан кооперациясини кучайтириш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Тошкент вилоятида ер ва сув мўл. Лекин 1 гектардан ўртача даромад бошқа вилоятларга нисбатан кам. Сўнгги уч йилда вилоятдаги 21 минг гектар ер деҳқончилик учун 57 минг аҳолига берилган.

Мева-сабзавот экспорти ҳам ўтган йилгича бўлмаган. 2 минг 200 гектар самарасиз боғ ва токзор ҳисобига йилига 10 миллион доллар экспорт йўқотилаяпти. Сув тежовчи технология бўйича Тошкент вилояти энг охирги ўринларда.

Шу каби камчиликлар сабабли вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари вазифасидан озод этилди.

Боғдорчилик бўйича янги тизим асосида Оҳангарон ва Бўстонликдаги тоғолди ерларда малина ва голубика плантацияси, Паркент ва Оҳангаронда узум ва гилос боғлари ташкил қилиниши айтилди. Ангренда анор шарбати ишлаб чиқариш, Оҳангарон туманида олхўрини қайта ишлаш йўлга қўйилади. Бу йил ҳам Тошкент вилоятидаги оилаларга деҳқончилик ва боғдорчилик учун қўшимча 5 минг гектар ер берилади.

Умуман, вилоятни боғдорчиликда намунали ҳудуд қилиб, экспортни 300 миллион долларга етказиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш масалалари ҳам таҳлил қилинди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 63 мингта камбағал оила қолган бўлиб, уларнинг 190 минг нафар аъзолари меҳнатга лаёқатли. "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида келаси йили вилоятда 116 минг аҳолини камбағалликдан олиб чиқиш режалаштирилган.

Лекин бу етарли эмас. Масалан, Тошкент вилояти кичик бизнес орқали аҳолини ишли қилиш бўйича республикада энг охирги ўринда. Вилоят саноатининг атиги 25 фоизи кичик бизнесга тўғри келади. Шу боис тадбиркорликни ривожлантириб, аҳолига даромад манбаи яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Бунинг учун бир йил ичида "Сайҳунобод" тажрибаси асосида 27 минг, "Зарбдор" тажрибаси асосида 8,5 минг, "Уйчи" тажрибаси асосида 39 минг, "Ғиждувон" тажрибаси асосида 10 минг камбағал аҳолини банд қилиш вазифаси белгиланди.

Кичик тадбиркорлик лойиҳалари учун ажратиладиган 1 триллион сўм имтиёзли кредит ва 32 миллиард сўм субсидиялар натижасида 30 минг аҳоли тадбиркорликка жалб қилинади.

Кейинги пайтларда Тошкент вилоятидан хорижга арзон ишларга кетувчилар 30 мингга камайган. Лекин ҳали 158 минг киши чет элда меҳнат қилаётгани қайд этилди.

Энди Миграция агентлиги фаолияти такомиллаштирилиб, аҳолини хавфсиз ва юқори даромадли иш билан таъминлаш бўйича янги ёндашувлар жорий этилади. Чет элда мавсумий ишлаб қайтган ва яна кетиш истагида бўлган кишиларга юқори даромадли касблар ўргатилади. Касб-ҳунари борлар хорижий тилларга ўқитилади.

Гўзал табиати, қулай инфратузилмаси бор Тошкент вилоятида туризм салоҳияти юқори. Лекин таклифга нисбатан талаб кўп бўлгани сабабли нархлар қиммат. Туризм масканларини кўпайтириб, хизматлар ҳажмини 2 карра ошириш, 10 миллион сайёҳни жалб қилиш имконияти борлиги қайд этилди. Мутасаддиларга келгуси йил учун 1,5 миллиард долларлик лойиҳаларни шакллантириш топширилди.

Йиғилишда қиш мавсумига тайёргарлик, энергия истеъмоли масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Йирик корхоналарда энергия сарфи юқори ускуналарни тежамкорига алмаштириш, маҳаллаларни иссиқлик билан таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти, шаҳар ва туман ҳокимлари, тармоқ раҳбарлари йиғилишдан хулосалари ва келгуси режалари юзасидан ахборот берди. Давлатимиз раҳбари аҳоли вакиллари билан самимий мулоқот қилди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинати фаолияти ва янги инвестиция лойиҳалари билан ҳам танишди.

Иқтисодий ислоҳотлар барча тармоқларда ўз натижасини кўрсатмоқда. Сўнгги олти йилда Олмалиқ комбинатида саноат маҳсулоти 1,8 баравар, маҳаллийлаштириш 7,7 баравар, инвестиция 13 баравар ошган. "Рақамли ОКМК – 2030" стратегияси доирасида 70 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилган.

Айни пайтда янги мажмуалар қурилиб, мавжуд қувватлар оширилаётир. Комбинатнинг 75 йиллик тарихи давомида 2 та фабрика барпо этилган бўлса, эндиликда янги қувватларни барпо этиш жараёни тезлашди. 2021 йилда "Ёшлик-1" кони негизида 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланган эди. Энди бу лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида 4-мис бойитиш фабрикаси ҳаётга кўчмоқда.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, ушбу янги завод қурилишини бошлаб берди.

Қиймати 5,3 миллиард долларлик бу лойиҳа орқали йилига 146 минг тонна катодли мис, 13 тонна олтин ва 73 тонна кумуш олиш қувватлари яратилади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1,9 миллиард долларга етади. Фабрика ва унинг инфратузилмаларида 3 мингдан ортиқ киши ишлайди.

Лойиҳага Италиянинг "Wood" ҳамда Буюк Британиянинг "Worley Parsons" компаниялари жалб қилинган. Ишлаб чиқаришда юқори технологик, экологик хавфсиз ва тежамкор технологиялар қўлланиши белгиланган.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 5-мис бойитиш фабрикаси ҳам лойиҳалаштирилмоқда.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИККА

(Боши 1-саҳифада)

– Тошкент вилоятида тўпланган ва катта ижобий самара бераётган бу тажриба келгусида республика миқёсида тадбиқ этилиши мўлжалланмоқда деди, – М. Оллоёров ўз нутқида. Дарвоқе жараённи таҳлил қилар эканмиз, ҳақиқатдан ҳам камбағалликка қарши кураш борасида Тошкент вилоятида бир қатор эътирофли ишларнинг амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз. Масалан, йил бошида вилоятда ялпи аҳолининг 10,2 фоизини камбағал оилалар ташкил этган бўлса, амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида йил охирига бориб ушбу рақамнинг 7 фоизга тушиши кутилмоқда. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бугун ҳудуд бўйича 63 мингдан кўпроқ камбағаллик даражаси қайд этилган оилалар мавжуд. Айни вақтда мазкур оилалар билан индивидуал тартибда иш олиб борилмоқда. Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда вилоят ҳокимлиги ҳамда барча шаҳар ва туманларда мавзуга оид махсус штаблар ташкил этилган бўлиб, улар туну кун иш олиб бормоқда. Белгиланган иш режасига кўра ҳар бир раҳбар ҳафтанинг жума куни ўзига бириктирилган камбағал оилага ташриф буюради. Ҳар бир оила аъзоси билан бафуржа суҳбатлашиб, уларга берилган имтиёз ва имкониятларни тушунтиради. "Камбағалликдан фаровонлик сари" давлат дастурида белгиланган еттита йўналишда, хусусан, турмуш тарзи, ижтимоий тафаккурини яхшилаш, ривожлантириш борасида иш олиб боради. Ушбу йўналишда октябр ойининг биринчи жума куни да ўтказилган "Камбағал оилада бир кеча" акцияси доирасидаги ишлар жуда катта самара берди. Унда жами 220 нафар вилоят бошқармалари ва туман ҳамда шаҳарлардаги сектор раҳбарлари фаол иштирок этди. Акция натижасида 456 нафар киши доимий ишга жойлаштирилди. Жами 367 та оила фарзандлари турли тўгаракларга жалб этилди. Ушбу жараён вилоят миқёсида кенг кўламда изчил амалга оширилмоқда. Ўзини ўзи банд қилмоқчи, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган оилаларга ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Томорқа имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш ташкиллаштирилаяпти. Ишлаш истагида бўлган оила вакилларининг бандлиги таъминланмоқда. Шароити бор хонадонларда қулай имкониятлар яратилиб,



чорва моллари ва парранда боқиш йўлга қўйилмоқда. Энг муҳими, камбағал оила аъзоларининг тафаккурларини ўзгартириш, уларнинг онгу шурурида эврилиш ясаш масаласи устувор бўлмоқда.

– Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилиб, қаътий белгилаб берилган "Камбағалликдан фаравонлик сари" дастури ижросини таъминлаш бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланди, – дейди Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зуҳра Миргазиева. – Ушбу йўналишда ҳокимликнинг барча тегишли мажмуалари алоҳида иш режалари тузиб, фаол ҳаракат қилмоқдалар.


Шу кунларда юқори манфаатдорлик далада, пахта теримида бўлиб қолди. Бир кило терилган пахта учун тўланадиган ҳақ 2500 сўм қилиб белгиланган, барча ёппасига далага чиқиб кетди. Бугун далаларни айланиб, бир кунда нақд 500 минг сўм даромад топаётган хотин-қизларни учратиш тасодиф эмас. Икки кунда бир миллион сўм даромад топаётган оила эса қашшоқ ҳисобланмайди. Яратилган бу имкониятлардан унумли фойдаланаётган оилалар сони ортиб бормоқда. Тегишли масъуллар жараённи мувофиқлаштириб бормоқда. Оқтепа маҳалласида беш нафар оила аъзолари билан "Ибрагимов Воҳид" фермер хўжалиги даласида пахта тераётган Маҳбуба Розиқовани учратдик.

– Кунига ўғлим, келинларим билан бир тоннага етказиб ҳосил териб, уйга миллионлаб пул олиб кетяпмиз, – дейди у. – Ҳалол меҳнатлиги боис, умра зиёратини ният қилиб, пул жамғараяпман. Мутасаддиларга раҳмат, унумли меҳнат қилишимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Мақолага якун ясар эканмиз шундай хулосага келамиз: фаровонликнинг асл, таг замирида фаол саъй-ҳаракат, ҳалол меҳнат ётади. Муносиб иш ўринлари кўпайтирилиб, қулай шароитлар яратилаверса, камбағаллик ўз-ўзидан қисқариб бораверади. Бунинг учун аввало одамнинг ўзида интилиш, эзгу мақсадлар сари иштиёқ бўлиши керак. Тошкент вилоятида бу борадаги ишлар жараёнида аввало камбағал оилаларнинг тафаккурини ўзгартириш устувор вазифа қилиб қўйилганлиги ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Хивадаги Калта минорнинг эгизаги қад ростламоқда



"ARDA KHIVA" – ХИВА ПОРТ ШАҲАР

(Боши 1-саҳифада)

Хоразм вилоятининг бош меъмори бўлиб ишлаган, бугунги кунда ҳам нафақага чиққан бўлишига қарамай шогирдларига иш ўргатиб, бундай чиройли меъморий обидалар тархини чизиб, бунёд этилишига бош-қош бўлаётган Комилжон ака Матчоновнинг ҳикоя қилишича, бир пайтлари Хиванинг шундоққина ёнгинасидан Амударё оқиб ўтган. Қадим бу дарё Каспий денгизига қуйилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ушбу қурилаётган шаҳарчанинг ёнгинасида умумий майдони 150 гектар бўлган катта Ғовик кўл мавжланиб ётибди. Тарихнинг шоҳидлик беришича, бу кўлни бир пайтлари "Ғов" дарёси деб ҳам атаганлар. Бизга шу пайтгача Ғовик кўлининг пайдо бўлишини Хива Ичонқалъаси обидалари учун лой олинган жой деб келишган. Бу ер шундан кўл бўлиб қолган дейишарди. Аммо олимларнинг сўнгги изланишлари самараси ўлароқ, Ғовик кўли қадим Амударёнинг ўрни бўлган. Амударёнинг бурилиш жойларида Ғовик кўлга ўхшаган катта-катта кўллар сақланиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Ғовик кўли ҳам шундай дарёнинг ташлаб кетган жойларидан биридир.

Буюк ипак йўли деганимизда туялар карвони кўз олдимизга келади. Хоразмда қадим Буюк ипак йўли кемалар ёрдамида, сув йўли орқали амалга оширилганидан бехабармиз. Хива ана шу ипак йўлининг порт шаҳарларидан бир бўлган. Бу ерда кемаларда савдогарлар узоқ-узоқлардан ўз молларини олиб келиб, Хива бозорларида сотишган. Хивадан ўз вақтида керакли молларни олиб кетиб ўз юртларида савдо қилишган. Шунда ҳозирги Ғовик кўли ўрнида кемалар тўхтайдиган порт бўлган. Шунинг учун ҳам мазкур шаҳарчанинг "Arda Khiva" деб қўйилишида рамзийлик бор.

Хива шаҳрига яқин "Arda Khiva" шаҳарчасининг қурилиш ғояси аслида Президентимиз ташаббуслари билан амалга оширилмоқда. Бундан тўрт йил олдин Юртбошимиз Хоразмга ташрифи чоғида бу мавзуга тўхталган экан. Ҳақиқатан ҳам Хоразмнинг тарихи жуда узоқ узоқларга бориб тақалади. Биз Хивани томоша қилиш учун келаётган сайёҳларга фақат шаҳарнинг 400 йиллик тарихини кўрсата оламиз. Ундан олдинги тарихиничи? Йўқ. Дунёнинг турли бурчакларидан Хивани кўриш учун келаётган хорижлик сайёҳлар Ичонқалъани томоша қилишадию кетишади. Ё бир кун ё икки кун меҳмон бўлишади. Хоразмнинг тарихини ўзида яққол акс эттирувчи шундай бир шаҳарча бунёд этиш керакки, сайёҳ уни ҳам томоша қилсин, ҳам мароқли ҳордиқ чиқарсин. Шу билан Хоразмга саёҳатини уч-тўрт



кунга чўзсин. Ҳақиқатан ҳам шундай, Хоразмга сайёҳлар оқими нечоғлик кўп бўлса, бу халқимиз учун фойда. Кўпгина мамлакатларни биламиз, фақат сайёҳлардан тушаётган тушум асосида ривожланиб кетган. Энди "Arda Khiva" шаҳарчаси ҳақида гапирсак. Ушбу мажмуани қуришдан олдин воҳанинг меъморлари ва мутасадди ташкилот раҳбарлари бир жойга тўпланиб шаҳарчани қаерга қуриш ҳақида бош қотиришди. Шаҳарчани Ичонқалъага теккизиб қурсак жуда яхши бўлади дегувчилар ҳам топилди. Сабаби ҳамма ансамбллар бир жойда жам бўлади. Шунда кўпни кўрган архитектор Комилжон ака Матчонов сўз олиб шундай деди: Ичонқалъага тегмайлик, у қадимда қандай турган бўлса, шундайлигича қолсин. Сизларга шаҳарчага муносиб шундай бир жойни кўрсатаман, ўзларинг ҳам кўриб қойил қоласиз. Шундай қилиб Комилжон ака паст унумли, шўрхок ерни йиғилганларга кўрсатди. Бир ёни Ғовик кўлга туташиб кетган бу жой ҳаммага маъқул бўлди. Шаҳарча қурилишини кейин ҳам давом эттириш мумкин, чунки бир ерда 150 гектарлик катта кўл ястаниб ётибди. Шу йилнинг май ойида қурилиш ишлари бошланган бу йўлдош шаҳарчада бугун иш қизғин. У ерда ҳар куни уч минг нафардан ошиқ қурувчилар меҳнат қилмоқда. У ерда туркиялик мутахассислар ҳам иш олиб боришмоқда. Қурилиш ишлари ҳозирда энг авж палласига чиқди. Йил охирига ишга тушириш назарда тутилмоқда. Хўш, ушбу шаҳарчада хорижий ва маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун қандай афзаллик ва қулайликлар мавжуд? "Arda Khiva" шаҳарчасида 5 та 810 ўринли меҳмонхона, 13 та меҳмон уйлари, бир йўла 2000 кишига хизмат кўрсатувчи очиқ ва 2000 кишига хизмат кўрсатувчи ёпиқ аквапарк ва аттракционлар, саҳна узунлиги 60 метр бўлган 3000 ўринли амфитеатр, барча қулайликларни ўз ичига олган соҳил бўйида сайр қилиш учун 4 километрли йўлаклар, қадимий Хиванинг ҳунармандчилигини ўз ичига олган 11 та ҳунарманд уйлари, "Кўҳна Урганч" номидаги тарих музейи, 5000 мквлик мусиқали фаввора, 100 ўринлик савдо растаси ва 30 та савдо дўкони, "Шарқ бозори"да 200 та савдо растаси,40 та дўкон, 9 та ресторан, ва енгил тамадди учун шаҳобчалар, 5 та кинотеатр ва концерт заллари, 2 километрлик қайиқда сайр қилиш учун ариқлар, 1000 та автомашинага мўлжалланган автотураргоҳлар, сув мототуризими, "Made in Uzbekiston" кўргазмалар павильони, зргарлик маркази савдо биноси ва бошқа қулайликлар мавжуд. Шаҳарчани электр энергия билан таъминловчи яшил энергия тригенерацияси қурилмоқда. Бундан ташқари, 150 гектарлик кўлни реканстуркция қилиш ҳам иш режасига киритилган. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1,1 трлн. сўмни ташкил этади. Шаҳарча ишга тушиши билан 2 минг нафар одам иш билан таъминланиши назарда тутилган. "Arda Khiva" йўлдош шаҳарчасининг умумий майдони 24,5 гектар бўлиб, умумий қурилиш ости майдони эса 77 минг м.кв.ни ташкил этади. Шаҳарча тўла қадимий Хива архитектура ёдгорликлари услубида қад ростламоқда. Шаҳарчага чиройли, бадиий безакли Қўш дарвозадан кирилади. Уни томоша қилиш учун келаётган меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида шаҳарчани гир айлана қилиб сув йўллари ташкил этилган. Унда сайёҳлар қайиқда бемалол сайр қилишлари мумкин бўлади. Хива туманининг Саёт қишлоғида "Чодра ҳовли" архитектура ёдгорлиги бор. Унга чиққан сайёҳ шаҳарчани тепадан ҳам томоша қилиш имконига эга бўлади. "Чодра ҳовли" ансамблига лифт ҳам ўрнатилган. Яна бир диққатга сазавор жиҳати шаҳарча марказида Хивадаги Калта минорнинг эгизаги қад ростламоқда. У "Чодра ҳовли"дан ҳам баланд бўлиб, шаҳарчага ўзгача чирой бағишлайди. "Arda Khiva" шаҳарчасига энг сўнгги русмдаги хорижий атракционлар ўрнатилмоқда.

Хуллас, шаҳарча Хоразмга сайёҳлар оқимининг янада ошишига ҳамда уларнинг воҳа тарихи билан яқиндан танишишига хизмат қилади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Сувчилик машаққатли касблардан бири. Бугунги кунда вазирлик тизимида меҳнат қилаётган мутахассис-ходимларнинг қарийб 7 фоизини, яъни 2200 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улардан 30 нафари раҳбарлик лавозимларда фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда сувчи аёлларни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларни раҳбар лавозимларга тавсия этиш, битирувчи талабалар орасидан қизларга кенгроқ имкониятлар бериш бўйича янги механизм шакллантирилди. Натижада ходимлар орасида ҳам, раҳбарлар орасида ҳам хотин-қизларнинг улуши ва мавқеи тобора ортиб бораяпти.



Тадбир доирасида вазирлик тизим ташкилотларида фаолият юритаётган, ҳудудий "Аёллар дафтари" рўйхатида турадиган 2 нафар аёл ходималарнинг сиртқи ва кечки таълим бўйича олий таълим муассасаларига имтиҳонларсиз, суҳбат натижалари асосида ўқишга кириши учун вазирлик тавсияномалари ҳамда ҳомий ташкилотнинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, 5 йиллик тўлов контракт суммасини қоплаб бериш юзасидан сертификатлар тақдим этилди. Шунингдек, тадбирда жорий йилнинг 16 сентябрь куни эълон қилинган "Сув хўжалигининг етакчи аёллари" танловининг ғолиблари тантанали равишда тақдирланди. Хотин-қизларнинг сув хўжалигига қўшган ҳиссасини муносиб рағбатлантириш, сув ресурсларини бошқариш ва барқарор ривожланишда аёлларнинг роли муҳимлигига жамоатчилик эътиборини ошириш ҳамда сув хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу танлов шартига кўра, ҳар бир иштирокчи сув хўжалиги соҳасидаги хотин-қизларнинг иш фаолиятига оид фотосурати ва унинг профессионал муваффақиятининг қисқача тарихини тақдим этиши керак эди. Танловга жўнатилган 50 дан ортиқ ижодий ишлар орасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1 нафардан, жами 13 нафар ғолибалар аниқланиб, уларга сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди. Бундан ташқари, тадбир доирасида Ўзбекистон сув хўжалигининг 2030 йилгача бўлган гендер концепциясини ишлаб чиқиш ишчи гуруҳининг иккинчи мажлиси ҳам ўтказилиб, мазкур ҳужжатни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сув хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ КЎЗГУСИ

Ҳозирги кунда демократик тараққиёт йўлидан одимлаётган давлатларда демократик сайловлар устувор аҳамият касб этиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам демократик жамиятга хос бўлган, унинг асосини ташкил этган демократик сайлов тизими яратилди. Сайлов – демократик жамиятнинг кўзгуси. Сайлов орқали фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки демократик принциплар асосида таъминланади.

Сайлов жараёнлари давлат ҳокимиятини демократик тамойиллар асосида шакллантиришнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида сайловнинг демократик тамойиллари, уни амалга ошириш механизмлари атрофлича ўз аксини топган. Бош Қомусимизда белгиланган принциплар орқали демократик сайлов жараёнлари амалга оширилади. Янгиланган Конституциямизда демократик сайлов мезонлари тўла ўз аксини топган.

Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сайлови шу йил 27 октябрь куни бўлиб ўтади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ватанимиз тарихида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар ва пропорционал тизим асосида ўтказилади. Депутатларнинг 75 нафари мажоритар тизим асосида, яъни сайловчилар ўзларига мақбул номзодга овоз бериш йўли билан, қолган 75 нафари эса пропорционал тизим асосида, яъни сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайланади. Бунда 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси аҳамияга молик ишлардан бўлди. Мазкур кодекс Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2019 йилда амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга мурожаатномасидан келиб чиқиб яратилганлигини алоҳида қайд этиш жоиздир. Мазкур Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлаш жараёнида дунёдаги бир қатор давлатларнинг сайлов кодекслари ва қонунлари етарлича таҳлил асосида ўрганиб чиқилди. Шуни қайд этиш жоизки, бугунги кунга келиб дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларида Сайлов кодекслари қабул қилинган. Шунингдек, ушбу Сайлов кодексини яратиш даврида сайлов жараёнларига оид бўлган ўндан ортиқ халқаро ҳужжатлар чуқур таҳлил қилинди. Айнан мазкур халқаро ҳужжатларнинг асосий ғоя ва стандартлари Сайлов кодексига сингдирилганлиги эътиборга моликдир. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари тўғрисидаги ҳужжатлари, жумладан, 1990 йилги Копенгаген ҳужжати, Парламентлараро Иттифоқнинг Адолатли сайловлар тўғрисидаги декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Кодекс қабул қилингунга қадар бешта қонун мавжуд бўлиб, унда жами 190 та модда бор эди. Қабул қилинган янги Сайлов кодексига асосан бир қанча такрорлашлар бартараф этилиб, яхлит тизимга келтирилган ҳолда 18 боб, 103 моддадан иборат этиб қабул қилинди. Жумладан, Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланди, 150 нафар депутатнинг умумхалқ сайловларида сайланиши белгилаб қўйилди. Аввалларидек фуқаролар фақатгина 135 та округдан Қонунчилик палатасига номзодларни сайлаш имкониятига эга бўлган бўлса, эндиликда буларнинг сони 15 тага ортиб, 150 тани ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш масаласининг мазкур Кодексда ўз аксини топганлиги шунингдек, Марказий сайлов комиссияси аъзолари мақом бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тенглиги ҳақидаги норманинг киритилиши диққатга сазовордир. Сайлов тизимидаги бу каби ислоҳотлар фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаолиятларини янада кенгайтириш, давлат ҳокимиятига таъсир ўтказиш механизмини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳакимали АЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори.



ХАЛҚАРО ОФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Чилонзор туман ФВБ ходимлари Тошкент шаҳар Пучон университетида 13 октябр – "Халқаро офатлар ва уларнинг оқибатларини камайтириш куни" муносабати билан семинар машғулоти ўтказди.

Семинарда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш ҳамда табиий офатлар хавфи ва улар натижасида юзага келиши мумкин бўлган иккиламчи хавфларнинг олдини олиш, техника хавсизлиги қоидаларига амал қилиш тўғрисида тушунчалар берилди ва амалий мастер класслар кўрсатиб берилди. Қолаверса куз-қиш мавсумида эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий қоидалар тўғрисида йўриқномалар талабаларга тарқатилди. Семинар якунида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олишди.

М.ОТАҚУЛОВ,
Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ инспектори, катта лейтенант.

Бешигимда алла бўлиб янграган,
Миллат руҳи, юрт тимсоли – ҳур тилим

"Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинайи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллат руҳини йўқотмакдур"

М.Беҳбудий.

Ўз тилингни асрай бил!

Дунёда 7 мингдан ортиқ тиллар муомалада бўлиб, дунё аҳолисининг 90 фоизи 70 та тилда сўзлашади. 200 та тил давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Бугунги кунда дунёнинг 50 миллиондан ортиқ аҳолиси ўзбек тилида сўзлашиб, бу тилда сўзлашувчилар сони бўйича дунёда 27 ўринда туради. 6 та (ўзбек, турк, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, туркман, уйғур) барқарор туркий тиллардан ҳисобланади.



Ўзбек тили дунёнинг 60 дан ортиқ университетларида, 200 дан ортиқ мактабларида ўқитилади. Бизнинг она тилимиз дунёдаги уч мингга яқин тил орасида туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, жонли тил сифатида қипчоқ, қарлуқ, ўғиз лаҳжаларида намоён бўлади. Ўзбек адабий тили эса ана шу лаҳжалардаги сўзларнинг маълум бир меъёрига келтирилган шаклидир. У муттасил ўсиб, ривожланиб бормоқда. Унинг ривожида сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёсдир. Ҳазрат Навоий тил ҳақида шундай ёзадилар: "Кўнгил хазинасининг қулфи тилдир. Ул хазинанинг калитин сўз бил!".

Тил маданият кўзгуси ва руҳимизнинг қаноти. Биз она тилимиз орқали халқлар, миллат ва элатлар орасида ҳамиша азиз-у мукаррам эканлигимизни асло унутмаслигимиз керак. Ўзбекона лутф, муомала, миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ эса она тилимиз маданиятининг калитидир.

Собиқ тузум ҳукмрон бўлиб турган 1989 йили Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши Истиқлолга эришиш йўлидаги энг муҳим қадам бўлганди. Ватанимиз мустақилликка эришгач она тилимиз ўзининг ҳақиқий ўрни ва мавқеига эга бўлди, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши она тилимизнинг тараққиёти, ривожланиши ҳамда ўзига хос ва бой бисотини намойиш этишга кенг имконият яратди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди. Истиқлол шарофати билан тилимизга, унинг сайқал топишига эътибор янада ортди.

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир. Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди. Ўзбек тили дунёдаги қадимий, гўзал ва бой тиллардан бири ҳисобланади. Тилнинг беқиёс имкониятлари қадимги тошбитикларда, халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзлари, бетакрор иборалари, достонларида, шоир ва ёзувчиларимиз асарларида яққол кўринади. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғатит турк" китоби, Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари, Алишер Навоийнинг "Хамса"си, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"си, Абдулла Қодирийнинг бетакрор романлари, Чўлпон, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуфларнинг ўтли шеърияти она тилимизда ёзилган бебаҳо дурдоналардир. Тилимиздаги ҳаё, ибо, андиша, орият, меҳр-оқибат сўзларини бошқа тилга айнан таржима қилиб бўлмайди. Уларни фақат ўзбек тилида ифодалаш мумкин. Чунки бу тушунчалар халқимизга хос ва уларни айтишга фақат шу тил қодирдир.

Тонгдек оромбахш, қуёшдек нурли, она оғушидек иссиқ, баҳордек тароватли, ёздек ҳароратли, кузгидек саховатли, қиш қорларидек беғубор туйғуларимизнинг таржимони бўлган, миллатимиз руҳини ифода этувчи она тилимиз, бизни юксак маънавиятга, маърифатга, маданиятга, истиқлолу истиқболга етакловчи бебаҳо неъматдир. Шу боис ҳам ҳар биримиз она тилимизни асраб-авайлашимиз, эъзозлашимиз лозим. Зотан, тилимизга эътиборли бўлсак, миллатимиз қалби – она тилимиз ҳеч қачон завол топмайди.

Она тилим

Бешигимда алла бўлиб янграган,
Миллат руҳи, юрт тимсоли – ҳур тилим.
Етмиш йил дил туб-тубида инграган,
Юраклари пора бўлган ҳам тилим.

Жадидларим кўрганида кўп озор,
Йўқотмаган ўз шавкатин ўз тилим.
Битмиш сенда Навоий, Бобур ашъор,
Қолдинг меърос боболардан давлатим.

Шевалари, лаҳжалари ҳам гўзал,
Бергай асли мозийлардан-да садо.
Бетакрорим, бенуқсонимдур азал,
Бўлган эди сенга Шайбоний гадо.

Ўзингдурсан элатимнинг юз-кўзи,
Безакдурсан ўзбегимга, элимга.
Лутфий латиф айлаган ҳар бир сўзи,
Бутун дунё тан беришди тилимга.

Бўлсанг агар елкамдаги зўр қанот,
Сен-ла учиб осмонларга учгим бор.
Бўлсанг дейман яна учқур бир Ғирот,
Бутун дунёларни сен-ла қучгим бор.

Мунира СУЛТОН

Бекобод

Ён дафтардан

Журналистлар кўпинча ҳаётингизни бошқаттан бошлаш имконияти бўлганда яна шу йўлни танлармидингиз, деган савол беришади.

Имкони йўқ нарса ҳақида гапиришдан қандай фойда бор? Вақт беҳуда сарф бўлади, холос

****

Инсон учун берилган энг буюк неъмат, менингча, вақт, яъни, умр. Афсуски, энг кўп беҳуда совурадиганимиз ҳам вақт. Умримизнинг қанчасини бекордан-бекорга ўтказамиз – ҳавога совурамиз. Лоақал бир ҳафтамизни, бир ойимизни таҳлил қилиб кўрайлик. Умримизни шу бир ҳафтаси, бир ойининг неча фоизи бекор кетибди. Чуқурроқ ўйласак юрагимиз увишади. Эссиз, вақт... эссиз, умр...

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

"Фарғона – водий гавҳари. Инвестиция ва туризм истиқболлари". Бу – Қўқонда 17-18 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган халқаро форум мавзусидир.

ҚЎҚОНДА ХАЛҚАРО ФОРУМ ЎТКАЗИЛАДИ

Форумга дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан тадбиркор, компаниялар раҳбарлари ва вакиллари, таниқли туризм бренди эгалари, журналистлар таклиф этилган. Улар Фарғона вилояти иқтисодий салоҳияти билан танишади, сайёҳлик манзилларида бўлади ва фарғоналик ҳамкасб, маслакдош ҳамда ҳамкорлари билан юзма-юз учрашиб, шартномалар тузади.

Шу кунларда Фарғона, Қўқон йирик халқаро форумга тайёр. "Ўрда" мажмуасида форумнинг панель сессиялари бўлиб ўтади. Иштирокчилар Қўқон эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолиятини кўриб, "Made in Fergana" саноат ва ҳунармандчилик кўргазмаси билан танишади.

Форумнинг ялпи сессияси 18 октябрь куни Қўқондаги "Ўрда" мажмуасида ташкил этилади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
ЎзА мухбири.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича халқаро тавсиялар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари уч босқични ўз ичига олиб, уларнинг доирасида тадбирлар ҳам босқичма-босқич, ҳам бир вақтнинг ўзида ўтказилиши мумкин. Биринчиси, тайёргарлик босқичи бўлиб, уч йилга яқин вақт давом этади. Бунда қуйидагилар амалга оширилади:

– аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш, ўтказиш тамойиллари, услубий асослари ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– аҳолини рўйхатга олиш саволномалари шаклларини, аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологиясини ишлаб чиқиш;

– синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва унинг асосида методологик ҳужжатларни такомиллаштириш;

– аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш ва аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режаларини тузиш;

– аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, унинг ўтказилишини назорат қилиш, якуний натижаларни олиш ва тақдим этишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш;

– ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш; моддий-техника таъминоти воситаларини харид қилиш, шунингдек, уларни рўйхатга олиш участкаларига етказиш;

– рўйхатга олиш участкаларини бино, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш; рўйхатга олиш тадбирида иштирок этувчи вақтинчалик ходимларни ўқитиш;

– аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа ишлар.

Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу 1-2 ой муддатни ташкил этади.

Учинчиси, сўнгги босқич бўлиб, 2-3 йил давом этади. Бунда йиғилган бирламчи маълумотлар қайта ишланади, умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва натижалар эълон қилинади.

Бобур МЕЙЛИЕВ,
Олмазор тумани Статистика бўлими бошлиғи.

Реклама ва эълон



Добычина Любовь Ивановна номига 1998 йил 25 февралда 06-05/1528 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1017. 1030 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00